



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 июль кuni қатор хорижий мамлакатларнинг давлат раҳбарлари ва нуфузли сиёсатчилари билан телефон орқали мулоқот қилди.

Хорижий ҳамкорлар давлатимиз раҳбарини таваллуд кuni билан самимий муборакбод этиб, Президентимизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш ва юртимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган ортага қайтмас ислохотлар дастурини амалга оширишда катта муваффақиятлар тилади.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқотда ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтириш, товар айирбошлаш суръатини таъминлаш ва саноат кооперацияси бўйича муҳим лойиҳаларни илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Худудлараро даражадаги мулоқот ва алмашинувларни самарали давом эттириш муҳимлиги ҳам қайд этилди.

Минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан икки мамлакат ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентлар олий даражадаги келишувлар ижросининг боришини қўриб чиқдилар. Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишига пухта тайёргарлик қўриш муҳимлигига эътибор қаратдилар.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида икки мамлакат етакчи компания ва корхоналарининг саноат кооперацияси бўйича истиқболли лойиҳаларнинг янги портфелини биргаликда ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Қозғоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқотда етакчилар яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш масалаларини атрофлича қўриб чиқдилар.

Ҳукуматлараро комиссиянинг Тошкент шаҳрида ва қўшма Ишчи гуруҳнинг Остона шаҳрида ўтган навбатдаги йиғилишларининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш, саноат тармоқлари ва инфратузилма соҳасида кооперация лойиҳаларини илгари суриш, шунингдек, қўшма маданий тадбирларни мунтазам ўтказиш орқали фаол гуманитар алмашинуви ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди, бўлажак олий даражадаги мулоқотлар режаси қўриб чиқилди.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан суҳбатда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги яхши

қўшничилик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари қайд этилди.

Саноат, автомобилсозлик, тўқимачилик ва электротехника тармоқларида, энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича ҳамда ҳамкорликнинг бошқа соҳаларида қўшма кооперация лойиҳаларини амалга оширишда эришилаётган натижалар мамнуният билан таъкидланди.

Ҳукуматлараро комиссия фаолияти доирасида янги савдо ва инвестиция лойиҳалари тўпламини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчилари бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини ҳам қўриб чиқдилар.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Бўлажак олий даражадаги тадбирларга тайёргарлик қўриш ҳамда икки томонлама муносабатлар кун тартибини аниқ амалий мазмун билан бойитиш масалалари қўриб чиқилди.

Етакчилар ишбилармонлик ва гуманитар алоқаларни янада фаоллаштириш, жумладан, қўшма кўргазма ва ярмаркалар ўтказиш, ёшларни кенг жалб қилган ҳолда маданий ва спорт тадбирларини уюштириш муҳимлиги ҳақида яқдил фикр билдирдилар.

Минтақавий шериклик, шу жумладан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳат учрашувлари ва Оролни кўтариш халқаро фонди доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан суҳбатда Ўзбекистон — Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда амалий ҳамкорлик изчил кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон етакчилари минтақавий кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди, бўлажак тадбирлар режасини қўриб чиқдилар.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан сузлашув чоғида Ўзбекистон — Туркменистон амалий ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Суҳбатда ўзаро савдонни кўпайтириш ва иқтисодиётнинг устувор тармоқларида, шу жумладан, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа муҳим йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

“Шовот-Тошовуз” чегараолди эркин савдо зонасини барпо этиш бўйича биргаликдаги ишларнинг илк натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари **Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев** билан икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, кооперация лойиҳаларини илгари суриш ва ўзаро савдонни кўпайтириш масалаларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси ўтган ҳафта Озарбайжонга амалга оширган ташрифнинг самарали якунлари ҳамда қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг Шуша шаҳрида ўтказилган навбатдаги йиғилиши натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Бўлажак олий даражадаги саммитга қадар қатъий келишув ва битимлар тўпламини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинувларни ҳамда халқаро тузилмалар доирасидаги яқин ҳамкорлиқни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бирлашган Араб Амириклари Вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён билан телефон орқали мулоқотда кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида Шайх Мансур Ол Наҳаён давлатимиз раҳбарига Амириклар Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаённинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — БАА муносабатлари юксак даражага кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми жадал суръатда ортиб бормоқда, қўшма корхоналар кўпаймоқда. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари портфели 4 миллиард доллардан ошди.

Бўлажак олий даражадаги тадбирларга пухта тайёргарлик қўриш, уларни, энг аввало, иқтисодиёт ва инвестиция соҳалари бўйича янги, амалий мазмун билан бойитиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу маънода, аниқ тақрифлар ва истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун яқин кунларда икки мамлакат ҳукумат делегацияларининг учрашувларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко давлатимиз раҳбарини туғилган кuni билан дилдан қутлаб, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва янги муваффақиятлар тилади.

Суҳбатда Ўзбекистон — Россия дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг мустаҳкамлашига хизмат қилаётган парламентлараро мулоқотлар фаол кечаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Қозғоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Президентини таваллуд кuni билан самимий муборакбод этиб, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва катта муваффақиятлар тилади.

Суҳбатда Ўзбекистон билан Қозғоғистон ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида бугун юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига унинг таваллуд кuni муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан қутловлар келмоқда.

Хорижий ҳамкорлар мамлакатимиз етакчисини самимий қутлар экан, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилақларини изҳор этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Шавкат Миромонович!
Сизни таваллуд кунингиз билан чин дилдан қутлайман.

Сиз Ўзбекистон фуқаролари орасида юксак хурмат-эҳтиромга сазоворсиз, буни яқинда ўтган Президент сайлови якунлари ҳам тўлиқ тасдиқлади. Сизнинг раҳбарлигингизда мамлакатингиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш йўлидан дадил бормоқда, ўз манфаатларини халқаро майдонда самарали ҳимоя қилмоқда.

Сиз мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, турли соҳаларда самарали икки томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшмоқдасиз.

Ўртаимиздаги илиқ, дўстона муносабатларни юксак кадрлайман. Бундан буён ҳам икки томонлама, минтақавий ва халқаро кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан биргаликда ишлаймиз.

Сизга, хурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, давлатчилик фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Хурмат билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент, азиз қардошим!

Таваллуд кунингиз билан чин қалбимдан муборакбод этиб, Яратгандан Сизга сиҳат-саломатлик ва осойишталик ичра узоқ умр насиб қилишини тилайман.

Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги чуқур илдиз отган дўстлик ҳамда қардошлик алоқалари тобора чуқурлашиб бораётганидан бағоят мамнунман.

Сиз билан биргаликда кенг қамровли стратегик шериклик даражасига олиб чиққан муносабатларимиз ва ҳамкорлигимиз келгусида ҳар соҳада мустаҳкамланишда давом этишига ишончим комил.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақият ёр бўлишини тилаб, дўст ва қардош Ўзбекистон халқининг фаровонлиги учун олиб бораётган ишларингизда омадлар тилаб қоламан.

Режеп Таййип ЭРДОҒАН,
Туркия Республикаси Президенти

Қуйидагилар ҳам ўз табриқларини йўллаган:

Қозғоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**,
Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**,
Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**,
Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов**,
Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимухамедов**,
Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**,

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари,
Таваллуд айёмингиз муносабати билан самимий табрикларим ва энг эзгу тилақларимни билдираман.

Жорий йилнинг май ойида Сиз рафиқангиз билан бирга “Хитой — Марказий Осиё” саммитида иштирок этиш учун Сиань шаҳрида бўлдингиз ва Хитойга давлат ташрифини муваффақиятли амалга оширдингиз.

Сиз билан сермахсул музокара ўтказиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича бир қатор муҳим келишувларга эришдик, Хитой — Ўзбекистон кенг қамровли стратегик шериклигининг янги истиқболларини белгилаб олиб, бунга кенг йўл очдик.

Ўзбекистон — Хитой муносабатларини ривожлантиришга катта аҳамият қаратаман ва Сиз билан дўстлигимизни юксак кадрлайман. Сиз билан биргаликда астойдил ҳаракат қилиб, турли соҳалардаги ҳамкорлиқни илгари суришга ҳамда умумий келажақ сари Хитой – Ўзбекистон ҳамжамиятини барпо этишга ўз ҳиссамни қўишига тайёрман.

Янги Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингиз остида янада катта муваффақиятларга эришишига ишонаман.

Сизга, Жаноби Олийлари, мустаҳкам соғлиқ ва улкан муваффақиятлар тилайман.

Хурмат билан,

Си ЦзиньПИН,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари!

Олтмиш олти ёшга тўлганингиз муносабати билан энг самимий тилақларимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, таваллуд куним муносабати билан йўллаган мактубингиз учун Сизга ташаккур билдираман.

Сизнинг Италияга ташрифингиз давомида ишонч ҳосил қилганимиздек, мамлакатларимиз чинакам дўстлик ва ҳамкорлик ришталари билан узвий боғланган, бу халқаро миқёсдаги мураккаб ва долзарб масалаларни ҳал этиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонга ташриф билан бориш имкониятини кутар эканман, Сизни, Президент жаноблари, яна бир бор туғилган кунингиз билан дилдан табриклайман ва бахт-саодат тилайман.

Энг эзгу тилақлар ила,

Сержо МАТТАРЕЛЛА,
Италия Республикаси Президенти

Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**,
Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси **Валентина Матвиенко**,
Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Михаил Мишустин**,
Бирлашган Араб Амириклари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**,
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Чжан Мин**,
Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**.

Қутловлар келишда давом этмоқда.

БУЮҚ ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ТАРИХ, МИЛЛАТ ВА ШАХС

Тарихни ким яратади, давлатни ким қуради, замонни ким ўзгартиради? Ушбу оддий ва кўпчиликка таниш саволларга, албатта, халқ, меҳнаткаш омма, дея жавоб бериб қутулиш жуда осон. Бироқ маслақларидан қатъи назар, барча мутахассислар сиёсатда давлат арбоблари, ҳарб ишида саркардалар, илмда олимлар, маданиятда шоир, ёзувчи, санъаткорлар, иқтисодда сармоячилар, динда пайғамбарлар, авлиёлар туриш-турмушини ўрганади, қилган ишларини ё олиқлайди, ё қоралайди. Шахснинг тарихдаги ўрни масаласига бағишланган махсус изланишларнинг ўзи ҳам ҳар хил замонлардаги турли мутафаккирларнинг бу борадаги қараш ва назариялари муҳокамасидан иборатлиги кўзда тутилса, тарихий шахс омилидан ҳеч қанақасига юз ўгириб бўлмаслиги ойдинлашади.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ

КЎРФАЗ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН УЛКАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Жорий йил 30 апрель ва 9 июль кунлари янги Ўзбекистон тарихига халқимиз ҳаётидаги муҳим воқеа сифатида битилди. Дастлаб референдум ўтказиш йўли билан янги тахирдаги Конституциямиз қабул қилинди. Шу Конституция асосида мамлакатимизда илк бор муддатидан илгари Президент сайлови бўлиб ўтди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ

КЎРФАЗ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН УЛКАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Кўнгиротбой ШАРИПОВ,
Тошкент давлат
иқтисодийёт университети
ректору

Бошланиши 1-бетда

Халқимизнинг мустақкам ишончи билан Президент этиб қайта сайланган Шавкат Мирзиёев ўз лавозимига киришиш тантанали маросимда сўзлаган нутқида миллий тараққиётимизнинг 2030 йилгача бўлган истиқболли йўлини белгилаб берди.

“Кудратли халқимизга таяниб, ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни ишга солиб, ислохотларимиз суръати ва самарасини янада оширамиз, ҳеч қачон сусайтирмаймиз. Қанчалик зўйин ва машаққатли бўлмасин, таллаган йўлимиздан ортга қайтмаймиз”, деди Президентимиз.

Дарҳақиқат, амалда ҳам шундай бўлмоқда. Сайловнинг эртаси кунёқ давлатимиз раҳбари кузатувчилар миссияси бошчилигида мамлакатимизда бўлиб турган МДХ бош котиби Сергей Лебедевни, ШХТ бош котиби Чхан Минни қабул қилди. 11 июль куни инвестициялар жалб қилишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилишини ўтказди. 12 июлда мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Жаҳон туризм ташкилоти бош котиби Зураб Поллокишвилини қабул қилди. Шу кунни Арманистон Бош вазири Никол Пашинян билан телефон орқали мулоқотда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. 13 июлда эса Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси Ташқи алоқалар қўмитаси раиси Фуат Октай бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

ХАЛҚАҚИЙ ЭТИРОФ

Халқаро экспертлар ва ишбилармон доиралар вакилларининг фикрича, энг муҳим глобал ва минтақавий муаммолар бўйича долзарб ташаббуслари туфайли Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки умуман халқаро майдонда бирлаштирувчи кучга айланди.

Рудолф ЛУКМАНН,
Германиядаги Анхальт амалий
фанлар университети “Архитектура
ва маданий мерос” халқаро
магистратура дастури директори,
профессор:

— Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик бир неча ўн йиллик тарихга эга. Германия — Ўзбекистон ҳамкорлиги йилномасида эса бир неча бор олий даражадаги ташрифлар ўтказилган. Хусусан, Германия Президенти Франк-Вальтер Штайнмәйер ўзининг расмий ташрифларидан бирида шундай деганини яхши эслаймиз: “Ҳозир ҳамма фақат салбий муаммолар ҳақида, дунё тобора ёмонлашиб бораётгани ҳақида гапиряпти... Лекин илтимос, Ўзбекистонга қараган, бу ёш давлат қандай ишонч билан ривожланиб, қандай тўғри, муваффақиятли йўлдан кетаётганига эътибор беринг. Ўзбекистон нақадар жадал ривожланаётганига назар ташласангиз, бу дунёда ҳамон яхши келажакка умид борлигини тушунасиз...”

Уйлаймани, бу бугунги икки томонлама ҳамкорлигимизни аниқ-рақшан ифодалайдиган энг яхши таърифдир. Бу фикрлар ГФР Президентининг ниятлари некинчилиги ва самимиюлтигидан ҳамда Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама чуқурлаштиришга тайёрлигидан далолат беради.

Яқинда амалдаги Конституцияга жиддий ўзгаришлар киритилди. Ишончим комилки, янгиланган Конституциянинг қабул қилиниши натижасида мамлакат тараққиёти янги суръат касб этди. Янгиланган Бош қонун Ўзбекистонга кучли ижобий туртки бўлади. Асосий қонунни бу сингари конструктив ва долзарб масалалар кириштирилган ҳолда янгиланишини ижобий натижаларидан одамлар янада рухланеди.

Ташлим соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида қўйидагиларни қайд этишни истар эдим: Бизнинг Анхальт амалий фанлар университетимиз Германиядаги нуфусли давлат ОТМлардан бири бўлиб, унинг ўқув дастури бутун интеллектуал халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган. Бугунги кунда талабаларимизнинг 50 фоиздан ортигини хорижликлар ташкил этади. Ҳозирги кунга қадар бошқа хорижий университетлар билан ўнлаб қўшма халқаро таълим дастурлари ишлаб

14 июль куни, юқорида ҳам айтганимиздек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросими бўлиб ўтди.

20-21 июль кунлари эса Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танишиш, маҳаллаларга ташриф буюриб, одамлар билан дилдан суҳбатлашди.

Яна бир эътиборли жиҳат. Давлатимиз раҳбари Президент этиб сайланганидан кейин илк хорижий ташрифни 18-19 июль кунлари икки муқаддас масжид ходими — Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг тақлифига биноан ушбу мамлакатдан бошлади.

Бугун биз мана шу ташрифнинг амалий жиҳатлари ҳақида тўхталмоқчимиз.

Шавкат Мирзиёев “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлиги кенгаши” форматидagi биринчи саммитда иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Президентимиз ўз нутқида Марказий Осиё ва Кўрфаз минтақаси халқларини азалдан Буюк ипақ йўлида савдо-сотиқ алоқалари, биродарлик оқибатлари ва урф-одатлари, энг муҳими, муқаддас ислом динимиз чамбарчас боғлаб турганини таъкидлади.

Хусусан, Мовароуннахр ва Арабистон диёрлари ўртасидаги тарихий алоқаларни ривожлантиришда буюк мутафаккир ва аллома боболаримизнинг бекиёс хизматлари борлигини бутун дунё тан олишини билдирад экан, “Барча муҳаддисларнинг пешвоси” — улугъ аллома Имом Бухорий ана шундай фахрли сиймоларимиздан бири эканини яна бир бор эътироф этди. Шунингдек, дунёдаги беқарор вазиятга қарамай минтақаларимиз тинчлик-барқарорлик ва тараққиёт макони бўлиб келаётгани, улкан иқтисодий, табиий ва интеллектуал ресурсларга эга бўлган Кўрфаз давлатларининг глобал барқарорлик ҳамда энергетик хавфсизлиқни таъминлашдаги ўрнини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Марказий Осиё ва Кўрфаз давлатлари сўнгги йилларда иқтисодий алоқаларини янги босқичга кўтаргани, бу жараёнда Саудия Арабистонининг етакчи компания ва банклари билан амалга оширилаётган умумий лойиҳалар пакети 20 миллиард доллардан ортигига ургу берди. Сиёсий соҳада кенг қамровли алоқаларни турли форматларда ривожлантириш, юқори технологиялар ва инвестициялар, инновациялар, “сунъий” интеллект, “яшил” иқтисодиёт, рақамлаштириш, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, нано ва биотехнологиялар соҳаларидаги ҳамкорлик платформаларини яратиш бўйича тақлифларни илгари сурди.

Мамлакатларимиз бизнес вакиллари иштирокида Қўшма инвесторлар кенгаши-ни таъсис этиш ва унинг дастлабки йиғилишини Самарқандда ўтказиш ташаббуси билдирилди.

Ташриф давомида бугунги куннинг истиқболли “яшил” энергетика лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Таъкидлаш жоизки, Саудия Арабистони Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган. Утган давр мобайнида икки томонлама ишончли ҳамкорлиқнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси қўламини кенгайиб бормоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг дунёга очилиши миллий тараққиётимиз учун мутлақо янги даврни бошлаб берди. Мана шу сиёсий қарашлар самараси ўларок, араб давлатлари билан ҳам алоқалар янгила ҳолда қайта ривожлана бошлади. Кенг қўламадаги конструктив ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Хусусан, Ўзбекистон — Саудия Арабистони ҳамкорлигининг ривожланиш суръатлари сезиларли даражада фаоллашди.

Масалан, утган 6 йилда Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги савдо ҳажми 1,2 баробар ортди. 2022 йилда ўзаро савдо ҳажми 2021 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 12,8 баробар ўсиб, 95,5 миллион долларни ташкил этди. Бу яқин истиқболда Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасида товар айирбошлаш ҳажми-ни янада ошириш учун катта имкониятлар эшигини очди.

Саудия Арабистони компанияларининг мамлакатимизда йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширишдаги иштироки ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази маълумотларига қўра, талаб катта бўлган юқори қўшилган қиймат-га эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналарни қўлайтириш муҳим саналади. Шу мақсадда “Saudi Aramco” компанияси Ўзбекистонда нефть ва газни қидириш, қазиб олиш ва қайта ишлашга жалб этилиши ҳам иқтисодий соҳадаги икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга катта замин яратди. Жорий йилда Саудия Арабистони билан “яшил” водородни ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳа ишга туширилиши ишончли ҳамкорлигимиз намунаси бўлади.

Шунингдек, савдо ва транспорт боғлиқлигини кучайтириш, эркин савдо режими-ни жорий этиш, техник регламентларни уйғунлаштириш ва электрон тижоратни ривожлантириш ҳамда озиқ-овқат хавфсиз-



лигини таъминлаш, Кўрфаз давлатларига органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етакчи бериш механизмларини татбиқ этиш лойиҳалари ҳам истиқболли саналади.

Давлатимиз раҳбари транспорт ва транзит соҳасида Ўрта транспорт коридорида энг мақбул тарифларни қўллаш, мавжуд мултимодавал йўлақлардан кенг фойдаланиш ва тўғридан-тўғри авиакатновларни мақсадли субсидиялаш ёрдамида қўлайтириш тақлифини илгари сурди. Хусусан, Кўрфаз давлатларини энг яқин ва қўлай йўл орқали минтақамиз билан боғлайдиган Транс-Афғон темир йўлини қуриш стратегик лойиҳасида Саудия Арабистони фаол иштирок этишга тақлиф этилди.

Агар икки минтақани боғлайдиган мазкур темир йўл ишга туширилса транспорт харажатлари ва юклари етакчи бериш мuddатини икки баробар қисқартириш имконияти пайдо бўлади. Бу йўналишда аниқ тақлифлар ишлаб чиқиб, амалга ошириш мақсадига савдо ва транспорт ҳамкорлигини йўлга қўйиш умумий манфаатларимизга хизмат қилади.

Глобаллашув шароитида экология ва иқлим ўзгаришлари масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Президентимиз Глобал Иқлим саммити бу йил Дубайда бўлиб ўтишини Кўрфаз давлатларининг мазкур йўналишда эришаётган ютуқлари сифатида эътироф этди.

Давлатимиз раҳбари “Яқин Шарқ яшил ташаббуси” минтақа экологик тизимини тубдан яхшилашга салмоқли ҳисса қўшаётганини таъкидлаб, Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети негизида биргаликда халқаро

тадқиқотлар дастурини тайёрлаш ташаббусини ҳам илгари сурди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон 2018 йилда экологик тоза энергия манбаларини ривожлантириш мақсадига ЯИМ билригига тўғри келадиган иссиқхона газлари чиқиндиларини 2030 йилга бориб 2010 йилга нисбатан 10 фоиз камайтириш бўйича миқдорий мажбуриятни ўз зиммасига олган ҳолда Париж битимини ратификация қилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда “ACWA Power”, “Masdar”, “Mubadala”, “TACA”, “Nebras Power” каби етакчи компаниялар билан умумий қуввати 15 гигаваттдан ортиқ қуёш ва шамол станцияларини барпо этиш ҳамда энергияни сақлаш лойиҳалари амалга оширилаётгани таҳлил қилинди.

Кенг қўламли савдо иқтисодий ҳамкорликда бугунги товар айирбошлаш ҳажми 20 фоиз, қўшма корхоналар сонини икки баробар ошди. Етақчи “ACWA Power” компанияси иштирокида “яшил” энергетикада муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. “Яшил” водород, нефть-кимё, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, табиёт, туризм ва бошқа тармоқларда йирик инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Президентимиз туризм соҳасига тўхталиб, Кўрфаз давлатлари аҳолисида визасиз тартиб жорий этилганини алоҳида қайд этди ва туризм инфратузилмалари янги Ўзбекистонда жадал ривожланаётганини билдириди.

“Кўрфаз — Марказий Осиё” ягона визасиз сайёҳлик маконини ва туристлар учун мўлжалланган замонавий кластерларни яратиш, қўшма туристик маҳсулотларни қўлайтириш ва минтақаларимиз етакчи

сайёҳлик операторлари форумини 2024 йилда Ислон дунёси туризм пойтахти, деб эълон қилинган Хива шаҳрида ўтказиш тақлифи берилди.

Миллий экспертларимиз Ўзбекистон Президентининг Саудия Арабистонига амалий ташрифи тараққиётимизда кенг имкониятлар очилишига ишонч билдирмоқда. Бу фикрни олий даражадаги музокаралар таҳлили ва эришилган натижалар қўламини ҳам намоён этади.

“Бугунги мулоқотимиз, билдирилган фикр-мулоҳаза ва тақлифлар алоқаларимизнинг катта салоҳиятини кўрсатди. Минтақаларимиз энди учрашмоқда ва катта ҳамкорлик эшигини очмоқда”, деди Шавкат Мирзиёев.

Саммит доирасида Президент Шавкат Мирзиёев ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиахди, Бош вазири Мухаммад бин Салмон Ол Сауд билан учрашув ҳам самарали кечди.

Учрашувда 2022 йилнинг август ойида бўлиб ўтган икки томонлама саммит давомида қабул қилинган битим ва қелишувларни сўзсиз амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Мазкур ташриф натижалари, албатта, Марказий Осиё ва Кўрфаз араб давлатлари ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни мутлақо янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Шавкат Мирзиёевнинг Президент этиб қайта сайланган кўнлари Саудия Арабистонига ташриф буюриши ҳам катта маъно касб этди ва кўтлугъ муқаддалардан дарак бергандек эди.

19 июль — ислом оламида бошланган ҳижрий 1445 йил муҳаррам ойининг биринчи кунида давлатимиз раҳбари эҳромга кириб, умра амалларини бажарди. Қазба-тулпоҳнинг ичида намоз ўқиш шарафига муяссар бўлди.

Шавкат Мирзиёев динимиз арконларига мувофиқ Байтуллоҳ атрофида етти бор таовф, Сафо ва Марва тепалиқлари орасида етти марта саъй қилди. Ватанимиз равнақи, эл-юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги, барча юртдошларимиз, ёш авлодимиз бахту иқболи ва ёрқин келажагини талаб дуолар қилинди.

Бугун халқимиз давлатимиз раҳбари бошлаган катта ислохотларга ишонч билдириб, ўз Президентини сайлади. Бу кўпчиликнинг танлови ва сиёсий хоҳиш-истаги эди.

Ўз навбатида, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам “**Ҳаётимнинг маъно-мазмунига айланган буюк мақсад — Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлида сизлар билан, бутун халқимиз билан бирга тинимсиз ишлашга, бор куч-ғайратим, билим ва салоҳиятими сафарбар этишга тайёрман**”, дея халқимизга ўз сўзини айтди.

Халқимиз бирор эзгу ишга қўл урад экан, албатта, Яратгандан яхши ниятлар ижобатини сўраб, дуога қўл очади. Давлатимиз раҳбарининг Байтуллоҳ атрофида қилган дуолари ҳам эътиборли қарашларимизнинг ифодаси сифатида буй кўрсатиб, бошлаган улугъ ишларимиз дебонаси бўлса, не тонг!

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗАГИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ
ЗАМОНАВИЙ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИ
ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА КАТТА ҚИЗКИШНИ УЙЎТМОҚДА

Шахзад НАСИМ,
“Meinhardt Group”
компаниялари гуруҳи
директорлар кенгашининг
ичроки раиси, доктор
(Сингапур):

— Ўзбекистон ҳақида гапирганда шуни таъкидлашни истардимки, Марказий Осиёнинг қоқ юрагида жойлашган ушбу мамлакат улкан салоҳиятга эга. Ўзбекистон шитоб билан ривожланаётган иқтисодиёт соҳиб бўлгани ҳолда сўнгги беш йилда мамлакатда ўсиш суръати 5 фоиздан эъдиш ташкил этди.

Ўзбекистон бизнес юритиш учун юқори даражадаги қўлайликлари тақлиф қилмоқдаки, бу инвесторлар учун яхши янгилик ва имконият ҳисобланади.

Давлат идоралари барча инвесторларга ёрдам кўрсатади, уларни қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон мамлакатимизнинг Марказий Осиёдаги йирик савдо ҳамкори бўлиб, қўлай жүрғофий жойлашув ва Сингапурга ўқшаш хусусиятларга эга. Сингапур АСЕАН учун эшикдир, худди шунингдек, Ўзбекистон ҳам Европа дарвозаси бўлиши мумкин.

Гао ХАНЬСЮН,

Хитойнинг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институтини “Бир макон, бир йўл” илмий-тадқиқот Маркази раҳбари:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг очиқ, прагматик сиёсати туфайли Ўзбекистон Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққиётнинг ўзаги бўлиб қолмоқда.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик фаол ривожланмоқда, натижада минтақада мутлақо янги муҳит пайдо бўлди. Шу аснода биз Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик янги шаклда фаоллашаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу эса биргаликдаги тараққиёт ва фаровонликка хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Хитой ва Ўзбекистон кўп минг йиллик муносабатлар тарихига эга. Мамлакатларимиз кўп асрлар давомида кўҳна Ипақ йўли бўйлаб шақлланган савдо ва маданий алмашувнинг фаол алоқаларини сақлаб келмоқда.

Бугунги кунда давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида илгари сурилган вазифаларнинг ўқшашлиги ва яқинлиги туфайли ўзаро ҳамкорлигимиз тубдан янги, юқори даражага кўтарилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон — Хитой муносабатларини янада ривожлантириш учун мустақкам замин яратмоқда.



“Meinhardt Group” Ўзбекистонда яратилаётган имкониятлардан жуда мамнун. Ҳозирги пайтда Тошкентда ўз офисимизни очиш харақатидамиз, ваколатхонамиз идораси жорий йил август ойидан иш бошлайди. Янги Тошкент шаҳрини ривожлантиришнинг бош режасини ишлаб чиқишда иштирок этиш биз учун катта ушбу рафадир. Бу Ўзбекистон пойтахтини дунёнинг исталган пойтахти билан таққослашга имкон беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга ташрифи мамлакатимизда жуда илқ кўтиб

булди. Муҳандислик илмидан яхши хабардор бўлган Президент иқтисодиёт ва бошқарув нуктаи назаридан Ўзбекистоннинг келажақдаги ўзгаришлари юзасидан илҳомлантирадиган ва стратегик қарарларга эга. У Осиёнинг энг истиқболли етакчиларидан бири бўлгани ҳолда мамлакат иқтисодиётида ўзгариш ясай олди, бунинг натижаси ўларок, ҳозирги пайтда аҳолининг 50 фоизи шаҳарларда истиқомат қилмоқда. Унинг сайловдаги ғалабаси эса халқнинг юксак ишончидан далолат беради.



Йоханна ЛЕРФЕЛЬ,
Франция Соғлиқни сақлаш
ассоциацияси делегати:

— Франция Соғлиқни сақлаш ассоциацияси жамоат ташкилоти бўлиб, унинг мақсади Франциянинг энг илгор тажрибасини халқаро миқёсда тарғиб қилиш ва дунёнинг бошқа мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйишдир.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасининг ривожланиши ҳақида гапирар эканман, сўнгги йилларда мамлакатда катта ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлашни истар эдим. Хусусан, табиёт муассасаларида, шунингдек, ушбу соҳа ходимлари учун қўлай шароитлар яратилди. Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатда бутун соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Бугунги кунда ассоциациямиз Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Ўзаро тажриба алмаштириш, шунингдек, Ўзбекистон табиёт муассасалари ва Франциянинг “French Healthcare” соғлиқни сақлаш ассоциацияси ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилиш бўйича мунтазам маслаҳатлашувлар олиб боришмоқда.

Давлатларимиз раҳбарлари ўртасида ишончли ва дўстона муносабатлар ўрнатилгани ўзаро алоқаларимиз равнақига кучли туртки бўлмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2022 йил ноябрь ойида Францияга ташрифи соғлиқни сақлаш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришга ҳам ўзининг ижобий таъсир кўрсатди. Ташриф якунлари бўйича муассасаларимиз ўртасида қатор ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Бундан ташқари, санитария ҳавфсизлиги соҳасида илмий-маърифий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ва икки мамлакатнинг етакчи мутахассислари ўртасида мунтазам видеоконференциялар ташкил этиш орқали яқин алоқаларни йўлга қўйиш бўйича қелишувларга эришилди.

Шуни ҳам таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонлик ёш табиёт мутахассисларининг нафақат амалий ишларга, балки илмий изланишларга ҳам иштиёқи баланд. Хорижий мамлакатлар вакиллари иштирокида Ўзбекистонда бўлиб ўтган ёшларнинг иккинчи илмий-амалий конференцияси буни аққол намойиш этди.

Мамлакат раҳбарияти соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилишга, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустақкамлаш, шифокорларни хорижга ўқишга юбориш, замонавий таълим олиш учун шароит яратиш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш, хусусан, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш инфратузилмасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратаётганидан мамнунмиз.

Шу боис, Франция томони бу йўналишда Ўзбекистон билан ҳамкорлиқни давом эттиришга ва келажақда Ўзбекистон — Франция алоқаларини мустақкамлашга хизмат қиладиган узоқ мuddатли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлиқни ривожлантиришга тайёрлигини таъкидламоқчиман.

“Дунё” АА



www.yuz.uz




yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news



ИНСОН КАДРИ УЧУН

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГРУЗИЯ:
ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА
АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ва Грузия халқларини азалдан ўзаро дўстлик ҳамда ҳурматга асосланган муносабатлар боғлаб туради. Бугунги глобаллашув даврида ҳам ўзбек ва грузин халқлари ўртасида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар йўналишларда дўстона алоқалар тобора ривожланмоқда.



Грузия Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижий мамлакатлар бозорларига олиб чиқиш учун муҳим транзит давлат ҳисобланади. Ўзбекистон бу мамлакатга автомобиллар, тўқимачилик маҳсулотлари, маиший техника жиҳозлари экспорт қилиш ва жаҳон бозорига чиқишдан манфаатдор.

Бугунги кунда Грузия давлат хизматлари, хусусан, электрон ҳукумат соҳасида юқори натижаларга эришяётган давлатлар қаторига киради. Шу боис, яқинда Ўзбекистон ҳукумати делегацияси Грузияда ишчи ташриф билан бўлиб қайтди.

Адлия вазирлиги ўринбосари Худоев МЕЛИЕВ билан ушбу ташрифнинг асосий мақсади ва қайси соҳалардаги йўналишлар ўзаро муҳокама қилингани бора-сида суҳбатлашдик.

— Ўзбекистон делегациясининг Грузияга ташрифи икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга туртки берди, — дейди Х.Мелиев. — Адлия ва ҳуқуқ, давлат бошқарувидаги кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда адлия органлари муҳим ўрин тутди. Хусусан, Ўзбекистон — Грузия Адлия вазирликлари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ҳамда мавжуд идоралараро муносабатларни янада чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш бугунги кунда вазирликнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ташриф дастурига мувофиқ, делегация аъзолари турли вазирлик ва идораларда учрашувлар ўтказиб, улар фаолияти билан яқиндан танишди.

Жумладан, Грузия адлия вазирлигининг биринчи ўринбосари билан бўлган учрашувда давлат хизматларини кўрсатишни тақомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, давлат хизматчилари ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бора-сидаги янгилликлар ва амалий жараён билан қизиқдик.

— Икки давлат Адлия вазирликлари ўртасидаги ўзаро ўқшашлиқ айна қайси жиҳатларда кўринади? Шу ҳақда батафсилроқ маълумот берсангиз.

— Грузия Адлия вазирлиги тузулмасига эътибор қаратсак, биздаги каби

қўллаб ўқшаш фаолият йўналишлари мавжудлигини, жумладан, нафақат ҳуқуқ соҳасида, балки аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ҳам юқори натижаларга эришилганини айтиш мумкин.

Грузия давлат хизматлари кўрсатиш модели — “Давлат хизмати хусусий хизматлардан фарқ қилмаслиги ва бир хил даражада қулайлик, тезлик ва сифатга эга бўлишга эътибор қаратиши керак” концепцияси асосида 2012 йил 21 сентябрда Тбилиси шаҳрида Давлат хизматлари зали, яъни Адлия уйи ташкил этилган.

Адлия уйи биносиди Адлия вазирлиги ҳам жойлашган бўлиб, 400 дан ортиқ ҳодим фаолият юритади ва 470 дан ортиқ давлат хизмати кўрсатилади.

Адлия уйи дастлаб бир неча давлат органлари, яъни Фуқароликни рўйхатга олиш агентлиги, Давлат рўйхатга олиш миллий агентлиги (*қўчмас мулк ва бошқа мол-мулкларни рўйхатга олиш*), Миллий архив, Ижро этиш миллий бюроси, Нотариат палатаси хизматларини интеграция қилган ҳолда, бу хизматларни бир бинода кўрсатиш учун ташкил этилган.

Ўзбекистонда 2017 йил декабрдан “Ягона дарча” марказлари Давлат хизматлари марказлари (ДХМ) сифатида қайта фаолият бошлаган.

Бизда давлат хизматлари соҳасидаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ва юридик жиҳатдан таъминлаб бориш учун ДХМлар Адлия вазирлиги тизимида ташкил этилди.

Давлат хизматлари кўрсатишда “фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади” тамойили белгиланди. Ушбу соҳани тартибга солувчи мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилди. Хусусан, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги, “Лицензиялар, рұхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонулар, ҳар бир хизмат бўйича маъмурий регламентлар қабул қилинди.

Амалга оширилган ҳуқуқий, ташкилий комплекс чоралар натижасида марказларимиз аҳоли муаммоларини ҳал

қилишнинг, давлат ташкилотлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни соддалаштириш марказига айланди.

2018 йил 1 январда фаолият бошлаган пайтда ДХМ томонидан дастлаб 37 турдаги хизмат кўрсатилган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 300 дан ортиқ.

— **Грузия давлат хизматлари кўрсатишда қандай ютуқларга эришган ва ушбу соҳада уларнинг қайси ютуқлари эътиборингизни тортди?**

— Адлия уйидаги ўз-ўзига хизмат кўрсатиш бурчаклари, ўз-ўзини суратга олиш кабинетлари, ҳар бир хона ва эшик олдида кўзи ожизлар учун зал ҳақидаги маълумотлар махсус тахтаси ўрнатилгани эътиборидир.

Бир неча банкомат (тўловларни амалга ошириш, нақд пул олиш, валюта айирбошлаш мақсадида) ташриф буюрувчилар фойдаланиши учун хизмат қилмоқда. Қолаверса, тижорат банки офиси жойлашган ва аҳолига банк хизматлари, жумладан, валюта айирбошлаш хизматлари кўрсатилади. Маҳаллий аҳоли вакиллари ва чет элликлар учун алоҳида-алоҳида йўлаклар ташкил этилгани эътиборга молик.

Яна бир ўзига хос жиҳати Адлия уйида “Just safe” ташкил этилган. Бу ерда фуқаролар учун овқатланиш билан бирга барча турдаги давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти мавжуд. Бунинг учун сизга алоҳида ҳодим ажратилади ва олдингизга келиб тегишли мурожаатни қабул қилади. Овқатланиб ёки қаҳва ичиб бўлгунга қадар ҳужжатлар тайёр бўлади. Бунда фуқародан таом учун ҳам тўлов қилиш талаб этилади.

Таъкидлаш керакки, мазкур тажрибани ўзимизда ҳам татбиқ этиш мақсадида ташкилий ишлар бошлаб юборилган.

Хусусан, адлия вазирлигининг тегишли буйруғи билан давлат хизматлари кўрсатувчи марказларимизда “Навбатсиз хизмат масканлари”ни ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси белгиланди. Эндиликда фуқаролар қўшимча тўлов эвазига “Навбатсиз

“АДЛИЯ УЙИДА “JUST SAFE” ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. БУ ЕРДА ФУҚАРОЛАР УЧУН ОВҚАТЛАНИШ БИЛАН БИРГА БАРЧА ТУРДАГИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИ МАВЖУД, БУНИНГ УЧУН СИЗГА АЛОҲИДА ҲОДИМ АЖРАТИЛАДИ ВА ОЛДИНГИЗГА КЕЛИБ ТЕГИШЛИ МУРОЖААТНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ. ОВҚАТЛАНИБ ЁКИ ҚАҲВА ИЧИБ БЎЛГУНГА ҚАДАР ҲУҲЖАТЛАР ТАЙЁР БЎЛАДИ. БУНДА ФУҚАРОДАН ТАОМ УЧУН ҲАМ ТЎЛОВ ҚИЛИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

хизмат масканлари” учун ажратилган хонага кириб, исталган хизматдан навбатсиз фойдаланиши, бир вақтнинг ўзига қўшимча қулайликлардан фойдаланиши мумкин, бунда фуқароларга алоҳида ҳодим томонидан хизмат кўрсатилади.

Шунингдек, Грузияда Адлия уйининг мамлакат бўйлаб 117 филиали мавжуд бўлиб, уларга кунига 20 мингдан ортиқ

мижоз (маҳаллий ва хорижлик фуқаролар) ташриф буюради.

Давлат хизматлари ҳудудларга нафақат филиаллар орқали, балки сайёр тарзда чиқиш орқали ҳам кўрсатилади. Сайёр хизматга махсус жиҳозланган микроавтобусларда борилади ва ариза юбориш билан бирга, жавобини ҳам шу жойнинг ўзида тақдим этиш имкони яратилган.

Асосий жиҳатлардан яна бири, онлайн давлат хизматларини кўрсатиш вазифаси ҳам Адлия вазирлигига юклатилганидир. Адлия вазирлиги таркибига Рақамли бошқарув агентлиги ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири ягона электрон хизматлар портали орқали фуқароларга онлайн давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳисобланади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

— Грузия Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги ҳам фаолият юритади. Агентликнинг асосий вазифалари давлат хизматларини ривожлантириш, хусусий секторда инновацион хизматларни жорий этиш ҳамда фуқароларни рўйхатдан ўтказиш жараёнларини оптималлаштириш боришдан иборат.

Бизнинг эътиборимизни тортган яна бир муҳим жиҳат, мазкур агентлик томонидан Аҳоли реестри юритилиши бўлди. Бу ўз ичига аҳолини умумий рўйхатдан ўтказиш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш, фуқаролик масалалари билан боғлиқ жараёнларни бошқариш, миграция ҳамда ҳужжатларни аполит ва легализация қилишни қамраб олади.

Ўзбекистонда ҳам ҳозирда ушбу амалиётни йўлга қўйиш бўйича зарур чоралар қўрилмоқда. Хусусан, аҳолининг ягона реестрини шакллантириш ва юртишга оид тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб ҳукуматга киритилган.

Бу аҳолининг ягона рўйхатини юритиш, тегишли маълумотларни бир тизимда жамлаш ва улардан фойдаланиш имконини яратиши билан бир қаторда давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ҳам түб бурилиш ясади.

— **Бу маълумотлардан Грузияда мазкур соҳада бир қатор сезиларли ютуқларга эришилганини қуриш мумкин. Айтинг-чи, юртимизда ушбу соҳада қандай ютуқларга эришилди ва ўзаро ўқшаш жиҳатлар нималарда намоён бўлади?**

— Аввал таъкидлаганимиздек, аҳолининг давлат хизматларидан кенг фойда-

ланишини таъминлаш, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ вақт ва молиявий харажатларни камайтириш борасидаги ислохотлар Грузияга нисбатан кеч бошланишига қарамай, юқори натижаларга эришилди, деб айтиш мумкин.

Барча туман ва шаҳарларимизда ДХМлар ташкил этилди. Уларнинг 184 таси учун энг замонавий биналар қурилиб, фойдаланишга топширилди, қолганларини яқунлаш ишлари олиб борилмақда.

Туман (шаҳар) марказларидан 50-100 километр узоқ, тоғли ҳудудларда 138 филиал фаолият юритиб келмоқда. Улар маҳаллий аҳолининг узоқини яқин қилмоқда.

Фуқароларда онлайн хизматлардан фойдаланиш кўникмасини ошириш мақсадида ҳар бир марказимизда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш бурчаклари ташкил этилган. Бунда фуқароларимизга my.gov.uz сайти орқали хизматлардан мустақил фойдаланиш учун зарур амалий ёрдам кўрсатилади.

Аҳоли ортиқча овора бўлишининг олдини олиш ҳамда идорама-идора сарсон бўлиб юришига йўл қўймаслик мақсадида хизматларни “комплекс тарзда” кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу фуқаронинг битта сўрови асосида ўзаро боғлиқ давлат хизматларини композиит шаклда, яъни бир пайтда тақдим этишдир.

Давлат ташкилотларининг ўз ташаббуси билан фуқароларга муайян вазиятда керакли хизматдан фойдаланишни тақлиф қилишни назарда тутувчи проактив давлат хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилди.

— **Айтингчи, ташриф якуни бўйича қандай ижобий натижаларга эришилди ва ушбу соҳаларда ҳамкорликнинг келгуси босқичлари нималардан иборат бўлиши режалаштирилмоқда?**

— Икки давлат Адлия вазирликлари ўртасида 2024-2025 йилларга мўлжалланган ҳуқуқ ва адлия соҳасида ҳамкорлик бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

Бу режада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлар фаолиятини ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш, юристар малакасини ошириш, маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчиликни амалиётда қўллаш билан бир қаторда Грузиянинг Адлия уйи тажрибасини ўрганиш юзасидан ҳамкорликни янада кучайтириш ва тажриба алмашинувини йўлга қўйиш бўйича бир қанча вазифалар белгиланган.

Шунингдек, нафақат биз уларга, балки грузиялик ҳамкасбларимиз ҳам Ўзбекистонда давлат хизматлари соҳасида амалга оширилаётган ишларга қизиқиш билан қарамоқда.

Хусусан, бугунги кунда Адлия вазирлиги биносиди “Ситуацион марказ” фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унда республика бўйича барча марказ ва ФХД бўлимлари фаолиятини реал вақт режимида кузатиб бориш имконияти яратилган. Грузия Адлия вазирлиги вакиллари ушбу “Ситуацион марказ” фаолияти билан яқиндан танишиш истагини билдирди.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Лутфулла СУВОНОВ
суҳбатлашди.**



ИСЛОХОТЛАР АМАЛДА

Ҳамсоясининг уйига юмуш билан чиққан Хумора опа ҳовли сатҳида турган турфа мебелларни кўриб, хайратини яшира олмади.

— Намунча чиройли бўлмаса булар. Кўзни олади-я. Қардан олдиларинг, чет элликими, неча пул тураркан, — дея турфа саволлар билан қўшнисига юзланди. Азиза опа маҳалладаги мебель дўкондан харид қилган буюмларни кўпга маъқул келганидан кўнуб ёп бошлади.

— Ўзимизда, маҳалладошимиз Абдоржон тайёрлаб берди буларни. Чиройли, пишқ-пукталигини қаранг. Нарҳи ҳам ҳамёнбоп. Ишлаб чиқариш цехига бориб, танлаб олдим. Илгари битта мебелни харид қилиш учун шаҳарга бориб, дўконма-дўкон юришга мажбур бўлганмиз. Энди ҳаммаси ўзимизда ишлаб чиқариляпти. Ишчи-хизматчилар ҳам маҳалладошларимиз. Қўллари дард кўрмасин, бежирим, чиройли ва қулай қилиб ишлашди.

Бағдод туманида мебелчилик йўналишида саноат корхонаси ташкил этилганига ярим асрдан ошди. Аммо эски корхона иш фаолиятини бугунги ишлаб чиқариш жараёнлари билан таққослаб бўлмайди. Фақат ички бозор учун бармоқ билан санарли турдаги маҳсулот ишлаб чиқарган корхонанинг имконияти ҳам шунга яраша бўлган.

Бугун туманда мебелсозлик йўналишида ўндан ортиқ тадбиркорлик



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

субъекти фаолият кўрсатмоқда. Бундай корхоналар қўлайгани ўзаро рақобатни шакллантириш, маҳсулотлар турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш имкониятини бермоқда.

“Самандарак” маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган “Анварбек” хусусий корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда хариддориг. Бу ерда уй-жой, офис, таълим ва тиббиёт муассасаларига мос юзга яқин турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Маҳалла марказида корхона савдо дўкони ишта туширилди.

— Кейинги йилларда саноат усулида мебель ишлаб чиқариш лойиҳаларини

ривожлантириш, қўллаб-қувватлашга эътибор ошди, — дейди корхона раҳбари Абдоржон Йигиталиев. — Ишлаб чиқариш тармоғини кенгайтириш, маҳсулотлар турини кўпайтириш, сифатини яхшилашга алоҳида эътибор беряпмиз. Шу мақсадда умумий қиймати 8,5 миллиард сўм бўлган лойиҳа доирасида хориждан замонавий жиҳозлар олиб келдик. Бу нафақат ёғоч, балки мебелсозлик учун зарур темир буюмларга маҳаллий шароитда шакл ва безак бериш ишларида қўл келади. Маҳсулотларимиз юртимиз бозорлари-га кириб борган. Бундан ташқари, шу кунга қадар яқин қўшни мамлакатларга

1 миллион долларликдан ортиқ маҳсулот экспорт қилдик.

Аҳоли турмуш даражаси ва янги қурилаётган уй-жойлар сони ошиши натижасида мебелсозлик маҳсулотларига талаб ҳам ортиб бормоқда. Бу мебель ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳамда ички ва ташқи бозорда рақобатбардош мебель ишлаб чиқариш қўламини кенгайтиришни талаб этмоқда. Шу мақсадда ҳудудларда кластер усулида мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик саноат зоналарини ташкил этиш йўналишидаги истиқболли лойиҳалар қўллаб-қувватланмоқда.

Бағдод тумани “Гулистон” МФЙ ҳудудида 6,4 гектар майдонда шу мақсадда “Мурувват” кичик саноат зонаси ташкил этилди. Бу ерда 29 таъаббускор тадбиркор томонидан саноат усулида мебель ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бугунги кунга қадар бу йўналишда корхона ташкил этиш истагида бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан жами 3 миллиард сўм инвестиция ўзлаштирилиб, 100 га яқин янги иш ўрни яратилди.

“Maxwood Business” МЧЖ томонидан 4,5 миллиард сўм сармоа жалб этилиши ҳисобига 45 янги иш ўрни очилди. Бу ерда йилгига 3,5 минг турли мебеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

“Grand opad” хусусий корхонаси таъаббуси билан қиймати 1 миллиард сўм бўлган лойиҳа фойдаланишга топширилди, 10 иш ўрни яратилди.

— Президентимизнинг “Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш, янги

ташаббустларни қўллаб-қувватлаш, рафбатлантириш имкониятини бермоқда, — дейди Фаргона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекция мутахассиси Аббосхон Мамажонов. — Эндиликда мебелсозлик тармоқлари учун импорт қилинаётган хомашёлар транспорт харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисми давлат томонидан қўллаб берилиши белгиланган. Бу мебелсозликдаги субсидиялардан бири. Ўз навбатида, экспорт қилинадиган мебель маҳсулотлари транспорт харажатларининг 50 фоизини ҳам давлат қўллаб беради. Бу имтиёз аввал йўқ эди. Туманда мебель ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар билан биргаликда кластер ташкил қилиш устида иш олиб боришмоқда. Бундай самарали тизим орқали ишлаб чиқариш ҳажмини 10 баробар ошириш мумкин. Мазкур жараён ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар кескин камайишига олиб келади. Ҳисоб-китобларга қўра, кластер тизимида ишлаш орқали мебеллар нарҳи 20-25 фоиз арзонлашади.

Муҳим жиҳатлардан яна бири, мебелсозлик соҳаси учун зарур бўловчи қисмларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришга эътибор ошди. Бу ортиқча овозгарчиликларсиз хомашё етказиб бериш, иш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашда қўл келмоқда.

“Қўқон” эркин иқтисодий зонасида жойлашган “KNAT DECOR” МЧЖ томонидан меламина қўлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиши республикамизга, хусусан, Фаргона вилоятига четдан қиммат нарҳларда кириб келаётган ламинат доскалар импорти кескин камайишига сабаб бўлди. Корхонанинг йиллик

ишлаб чиқариш қуввати 30 миллион квадрат метр бўлиб, импорт ўрнини босиш қиймати қарийб 16 миллион долларни ташкил қилади. Маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифати ва тананаро арзонлиги билан ажралиб туради.

— Меламин қоғоз қоплами, ламинат доскалар мебелсозлик саноатидаги асосий хомашёлардан бири, — дейди Бағдод тумани “Мурувват” мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик саноат зонасида иш бошлаган “Абдор” хусусий корхонаси раҳбари Элёржон Эрматов. — Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ламинат доскаларни асосан Россиядан импорт қилар эдик. Хомашё қиммат ва турғун эмаслиги турли узилиш ва етишмовчиликларга сабаб бўлган. Керакли хомашёлар маҳаллий корхоналар томонидан ўзлаштирилгани мебелсозлик саноатида ўзига хос қулайликлар яратди. Айни кунда қиймати 5,5 миллиард сўм бўлган лойиҳа доирасида 20 янги иш ўрни яратдик. Утган йилнинг ўзида бир миллион долларликдан ортиқ маҳсулот экспорт қилганимиз. Жорий йилда эса бу ишлар ҳажмини икки Ҳисса ошириш чораларини кўряпмиз.

Сирасини айтганда, мебелсозлик тармоғи ривожлангани ҳар ким маҳсулотни имконияти ва дидига мослаб танлашга йўл очди. Ававаллари учраганини харид қилган харидор энди бежирим, қулай ва сифатли саноат мебелларини сотиб олиш, бюрмта бериши мумкин.

**Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Шерзод Қорабоев олган сурат.



ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ



Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,
Низомий номидаги
Тошкент давлат
педагогика университети
ректору, тарих фанлари
доктори, профессор

Таълим-тарбия ва илм-фан тараққиёти — ҳар қандай мамлакатнинг эртанги кунини, истиқболини белгилаб берувчи асосий мезон. Юртимизда бу соҳада туб бурилишларга эришилмоқда. Мазкур йўналишдаги барча саъй-ҳаракатлар таълим сифати ҳамда илм-фан самарадорлигини таъминлашга қаратилгани билан янада аҳамиятли.

Жаҳон андозалари даражасида билм олган, заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрлар тайёрлаш ўқитиш тизимининг ташкил этилганига боғлиқ. Шу боис, таълим соҳасининг барча босқичини ислох қилиш, халқаро андоза ва замонавий талаблар асосида ташкил этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг "Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади", деган эзгу ғояси ҳамда узлуқсиз таълим тизимида ишлаётган мураббийлар, педагоглар, профессор-ўқитувчилар, умуман, зиёлилар янги Ўйғониш даврининг тўрт таянч устуни сифатида қўрилаётгани бунинг яқол ифодасидир.

Шунинг учун узлуқсиз таълим тизимининг барча босқичида зарурий ислохотлар кечмоқда. Яқин йилларда мактабгача таълим ташкилотлари сони 5 мингдан 29 мингга оширилиб, тарбияланувчилар қамрови 24 фоиздан 70 фоизга етказилди. Умумий ўрта таълим 11 йиллик қилинди. 9-синф битирувчилари учун профессионал касб-ҳунар таълими муассасалари ва техникумлар ташкил этилди. Олий таълимга қабул жараёнида учраётган муаммоларни бартараф қилиш мақсадида қабул механизмида ҳам тегишли ислохотлар ўтказилди. Хусусан, мактаб битирувчилари учун кириш тест имтиҳонида бир-бирига яқин бўлган бериёула 5 та йўналишли олий таълим муассасасини танлаш имконияти яратилди. Олий таълимга қамров қисқа муддатда 9 фоиздан 38 фоизга кўтарилди. Натижада олий таълим муассасалари сони 77 тадан 210 тага етди. Бакалавриатга қабул квоталари 5 баробар, магистратурага 8 баробар, докторантурага 10 баробар ошди. Шунингдек, тўлов-шартнома асосида қабул квоталарига қўшимча абитуриент қабул қилиш механизми ишлаб чиқилиб, тизимда шу пайтгача учраган коррупцион омиллар йўқ қилинди.

Олий таълимда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг маоши бир неча баробар оширилиб, ўқув юкламаси камайтирилди. Илмий даражалар берувчи кенгашлар қўйлаштирилиб, илмий даража ва унвонлар бериш тартиби соддалаштирилди. Жаҳон тажрибаси асосида олий таълим муассасаларининг 40 тасига академик, ташкилий-бошқарув ва молиявий мустақиллик берилди. Олий таълимни оптимallasштириш орқали сифат даражасини ошириш, ўқитувчи ва талабаларнинг ўқув юкламасини камайтириш орқали фанларни яхши ўзлаштиришига кенг йўл очилди.

Президентимиз Сирдарё вилоятидаги сайловчилар билан ўтказган учрашувида таълим соҳасида белгиланган режалар ҳақида тўхталиб, илм-фан ва инновацияларсиз ютуқларга эришиб

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ — Педагогика олий таълим муассасалари унинг драйверидир

КЕЛАЖАК ХАЗИНАСИ



мувофиқ трансформация қилиш ҳамда мақсадли кўрсаткичлар белгиланди.

Айни пайтда мактабгача, умумий ўрта ҳамда профессионал таълим муассасалари учун университетда 31 бакалаврият йўналиши ва 30 магистратура мутахассислиги бўйича педагог кадрлар тайёрланмоқда. ОТМнинг 24 мингдан ортиқ талабасига 800 дан ортиқ профессор-ўқитувчи соҳа сирларини ўргатмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти 52 фоизни, ўртача ёш кўрсаткичи 48 ёшни ташкил этади.

Ислохотлар самараси ўларок, Тошкент давлат педагогика университетига илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, халқаро рейтингларда юқори кўрсаткичларга, таълим сифатини оширишда муайян натижаларга эришилмоқда. Жумладан, ўқув режаси ва дастурларини ишлаб чиқиш учун 2020/2021 ўқув йилида 2 турдош олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик қилинган, бироқ жараёнга бирорта ҳам хорижлик эксперт жалб этилмаган эди. 2022/2023 йилга келиб эса мазкур йўналишда 14 турдош ОТМ билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди ҳамда 30 хорижлик эксперт жараёнда иштирок этди.

Олий педагогика таълимининг ислох қилишга доир саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда. Бунга Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети мисолида гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, Президентимизнинг 2022 йил 11 майдаги "2022-2026 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони билан университет ҳамда унинг ҳузуридаги таълим ва илмий ташкилотлар Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Шу билан бирга, университет педагогика йўналиши бўйича ўқув режаси ва дастурларини ишлаб чиқишда етакчи ОТМ этиб белгиланди.

Президентимизнинг ўтган йил 21 июнидаги "Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориди ОТМни 2026 йилгача халқаро талабларга

олаётган 2-4-босқич талабаларининг малакавий амалиётини Тошкент шаҳридаги Президент таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги 1 та Президент, 3 та ихтисослаштирилган, 234 та умумтаълим мактаби, 6 та махсус мактаб-интернат, 26 та мактабгача таълим ташкилоти, 3 та академик лицей ва 5 та профессионал таълим муассасасида ташкил этиш бўйича шартномалар тузилди.

Университет ва турдош олий таълим муассасаларидан шаклланган етакчи профессор-ўқитувчилардан иборат муаллифлар томонидан 2022 йилда 157 ўқув адабиёти яратилган. 2023 йилнинг биринчи ярмида жорий йил учун фанлардан етишмаётган 108 та ўқув адабиёти нашр қилинди. ОТМда илмий даражалар берувчи 3 та илмий кенгаш мавжуд бўлиб, уларда 6 ихтисослик бўйича илмий ишлар ёқлови ташкил этилган. 2021 йилда университетдаги илмий кенгашда 78, 2022 йилда 179 диссертация муваффақиятли ҳимоя қилинди. Жорий йилнинг биринчи ярмида 144 диссертация ёқланди.

Ўқув муассасамиз 2022 йилда Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда ОТМлар таъсирини баҳоловчи THE Impact Rankings халқаро рейтингидан жой олди. Шунингдек, 2023 йил учун QS Осие университетлар рейтингидида етакчи 1000 талақдаги кучли университетлар қаторига кирди.

Талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ижодий ва интеллектуал олимпиадада Тошкент давлат педагогика университети талабалари умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллаб, Президентимизнинг 100 та ноутбукдан иборат махсус совғасини қўлга киритди. Шунингдек, "Маърифат майдони" танловининг финал босқичида университетимизнинг "Авлоний издошлари" жамоаси 2-ўринни эгаллаб, 25 миллион сўм пул мукофотига эга бўлди.

Ёшларнинг сифатли таълим олиши учун муносиб шaroит яратиш мақсадида ОТМлар орасида биринчилардан бўлиб давлат-хусусий шериклик асосида университетнинг профессионал таълим факультети ўқув биноси ҳудудида минг ўринли талабалар турар жойи қурилиш бошланди. Бундан ташқари, musiқа маданияти факультети учун 720 ўринли ўқув биносини қайта таъмирлаш яқинида етказилмоқда. Ўқув биномиз ҳудудида талабалар учун 500 ўринли ошона қурилиши тугалланаётди.

Албатта, ютуқлар ўзимизники. Шу билан бирга, олимизда турган муҳим вазифалар ҳам кам эмас. Бинобарин,

бугун давр шиддат билан ўзгариб, барча соҳалар қатори педагогика таълим тизими олдинга ҳам ўта долзарб ва мураккаб масалаларни қўймоқда. Мактабгача ва мактаб таълими тизимини ривожлантириш, юқори салоҳият ва инновацион тафаккурга эга ўқитувчиларни тайёрлаш ҳамда касбий ривожланиши учун зарур шарт-шaroит яратиш, илгор хорижий тажрибаларга асосланган янги ўқитиш усуллари ишлаб чиқиш шулар жумласидан.

Мамлакатимизда замон талабларига мос педагог кадрлар тайёрлаш, соҳадаги ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, педагогика соҳасида таълим, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш учун олимизда қатор вазифалар турибди.

Биринчидан, абитуриентларни педагогика ОТМларга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Амалда ёшларнинг педагогика касбияти қизиқиши ва мойиллиги ўрганилмагани сабабли таълим олиш ва меҳнат фаолияти даврида ўқитувчилик билан шугулланишни истамайдиган талабалар учрамоқда. Ваҳоланки, Президентимизнинг "Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридида дастлабки механизмлар белгилаб берилган. Унга қўра, 2024/2025 ўқув йилида тажриба-синов тариқасида университетнинг педагогика таълим йўналишлари (алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишлари бундан мустасно) қабул жараёнини икки босқичда, жумладан, биринчи босқичда — дастлабки имтиҳон шакли, иккинчи босқичда — кириш тест синовлари орқали амалга ошириш белгиланган. Дастлабки имтиҳонларда аниқ педагогика вазиятларга ечим топиш орқали талабгорларнинг касбий мойиллигини ўрганиш ҳамда ижобий баҳо олган абитуриентларнинг тест синовлари қатнашишига рухсат этиш механизмининг ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Педагог кадрлар тайёрлашни назарда тутувчи таълим йўналишлари хусусияти ва талабидан келиб чиқиб, қабул чегарасини 130 баллдан кам бўлмаган ҳолдада этиб белгилаш ва шундан кам балл тўплаган абитуриентларни оширилган тўлов-шартнома билан ҳам ўқишга қабул қилмаслик бўйича аниқ механизмларни ҳаётга татбиқ этиш зарур.

Иккинчидан, педагогика ўғил-қизларни умумий ўрта мактабнинг қуйи синфларидан бошлаб йўналтириш ва мақсадли тайёрлаш, шунингдек, мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида бажарилаётган илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини тажриба-синовдан ўтказиш учун университет ҳузурида мактабгача ва умумтаълим муассасалари, педагогика коллежлар мавжуд эмас.

Шу боис, педагогика кластер ташкил этиш мақсадида ОТМга камида биттадан мактабгача таълим ташкилоти, умумий ўрта таълим мактаби ҳамда Тошкент шаҳридаги педагогика коллежи бириктирилиши мақсада мувофиқ бўлар эди. Педагогика кластерга бириктирилган таълим муассасалари ўқувчиларини соҳага мақсадли йўналтириш, ўқув даргоҳларида иқтидорли талабаларнинг курс лойиҳалари, битирув-малакавий ишлари, магистрлик ҳамда докторлик диссертациялари бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Учинчидан, мактабгача ва мактаб таълими учун кадрлар тайёрловчи ОТМларнинг ўзаро ҳамкорлиги етарли даражада йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Педагог кадрлар тайёрловчи бошқа олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи алоҳида тизимга зарурат сезилмоқда. Ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва бошқа соҳаларда тажриба алмашиш, ишлаб чиқилаётган ва амалда фойдаланилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мувофиқлаштириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи маслаҳат кенгашлари ишини йўлга қўйиш, шунингдек, нодавлат ОТМларда педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ислох қилиш мақсада мувофиқ.

Тўртинчидан, соҳанинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда педагогика ОТМлари учун ўқитишнинг кредит-модуль тизимини ишлаб чиқиш, тизимнинг мослашуви аниқлиги ва самарадорлигига эришиш зарур. Шунингдек, педагогика таълим йўналишида ўқитишнинг сиртки ва масофавий шаклларида кадрлар тайёрлашни тўхтатиш зарур. Мазкур ўқитиш шакллари юқори назарий билим, амалий қўникама ва малака, компетенциялар, педагогика маҳоратни шакллантиришга тўлиқ имкон бермайди. Педагогика компетентлик даражаси етарли бўлмаган, фанни чуқур билимайдиган ўқитувчилар таълим сифатини кўтаришга эмас, пайсантиришга хизмат қилади.

Бешинчидан, сўнгги вақтларда ОТМларда профессор-ўқитувчилар билан муддатли меҳнат шартномаларини тузиш оммалашмоқда. Бу педагогика олий таълим муассасалари учун жиддий хатарни юзага келтирмоқда. Сабаби, бўлғуси муаллим ўқитишнинг дастлабки босқичидан то битирувчи устоз-шогирд тизимида тахсил олиб, амалиёт ўташи, юқори малакали профессор-ўқитувчилар қўлида шаклланиши лозим. Шу боис, педагогика ОТМлари учун танлов асосида профессор-ўқитувчининг 5 йиллик шартнома бўйича фаолият юритиши масаласини ўз кучида қолдириш мақсада мувофиқ.

Олтинчидан, педагогика олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малака ошириш тизимини либерallasштириш лозим. Эҳтиёжга қўра, меҳнат таътили вақтида уларнинг мустақил малакасини ошириш шаклини йўлга қўйиш самара бериши мумкин. Бу орқали ўқув йили давомида ўқитувчиларнинг ортиқча юкламадан халос қилиш имкони бўлади.

Мактаб таълими ва олий педагогика таълим бир вақтнинг ўзида йўғун тарзда ислох қилиб борилса, сифатли ўқитишга эришилади. Бунинг учун яхлит ўқув-тарбия жараёнининг барча тарихий қисмлари янгилаб борилиши ва мониторинг жараёни тизимли амалга оширилиши лозим.

Мамлакат тараққиёти кафолати бўлмиш азам шижоатли ёшларнинг юқори билим ва малакага эга, рақобатдош етук кадрлар бўлиб етишиши учун амалга оширилаётган барча янгиланишлар биз, соҳа ҳодимларига қўшимча куч ва ғайрат бағишлайди. Айни чоғда зиммамизга улкан вазифаларни ҳам юклайди. Ана шу заълворли сиздиқлардан ижросида камарбаста бўлиш, сиддиқдигдан меҳнат қилиш фаолиятининг асосий мезони таълим-тарбия бўлган ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.

БОҚИЙ МЕРОС

“Қуйма қулоқ” Бахшиларнинг сардорлари

Ўзбекистон халқ бахшиси Чори бахши Умиров 85 ёшда

Жорий йил март ойда Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро бахшичилик санъати фестивалида ушбу боқий санъатни асраб-авайлаш кераклиги, таниқли бахшиларнинг маҳорат мактаблари аҳамиятини янада чуқур англаб етдик. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ўзбек бахшичилик санъати ривожига катта ҳисса қўшган атоқли бахши-шоирларнинг хотира кечаларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини кенг тарғиб қилиш вазифалари белгилаб қўйилган.

Яқинда мазкур қарор ижроси доирасида Республика бахшичилик санъати маркази томонидан Чори бахши Умиров таъаллуфини 85 йиллиги муносабати билан Умировлар сулоласига оид 60 дан ортқ экспонат жойлаштирилган музейнинг очилиш ҳамда Қодир бахши Раҳимовнинг “Сайланма” туркумидаги китоблари тақдироти ташкил этилди. Тадбирга юртимизнинг турли ҳудудларидан 100 га яқин бахши, оқин ва жиров ижрочилари, профессор олимлар, соҳа вакиллари ташриф буюрди.

Шеробод дostonчилик мактабининг жонқуярларидан бири, тиниб-тинчимас устоз Чори бахши Умиров ижро этган дostonлардан парчалар, хоразм бахшичилик вакилларининг шўх термалари, фольклор жамoалари ва хонандаларнинг чиқишлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Июль ойи бошларида Бахшичилик санъати маркази бўлим бошлиғи Бахтиёр АҲМЕДОВ тахририятимизга Чори бахши Умировнинг ҳаёт ва ижод ўйли ҳақида мақола юборган эди. Беъафсат ўлим буғун уни орамиздан олиб кетди. Бахтиёр Аҳмедовнинг таниқли бахши ҳақидаги самимиятга йўғрилган мақоласини эълон қилишга қарор қилдик. Илоҳим, руҳи шод бўлсин!

Бахшилар халқ тарихи, ҳаёти, меҳнати, кураши ва орзу-умидлари куйиқларидир. Шунинг учун ҳам Ватан маҳди, ватанпарварлик мавзуси халқ оғзаки ижодида, бахши, шоирлар репертуарида етакчи ўрин эгаллайди.

Мустақиллик туфайли халқ бахшилари она Ватан — Ўзбекистонни юксак эҳтиром билан баралла куйлашга ўтди. Юртимизда бўлаётган ўзгаришларни, халқ жасорати ва матонатини, қадриятларимизни завқланиб куйлашга имкон туғилди.

Халқ оғзаки ижодининг кўлаб жамoалари орасида эса дostonчилик алоҳида ўрин тутайди. Бахши шоир қаерда туғилиб, ўсиб-ўлғайиши-ю яшашига қараб эмас, “устоз-шогирдлик” аънаси, устознинг репертуарини айтиш усуллари, соз чертиш йўлларини ўрганиши, ўзлаштиришига кўра, дostonчилик мактаби давомчиси бўлади.

Шу нуктага назардан, Чори бахши Умиров Шеробод дostonчилик мактабининг йирик вакили ҳисобланади. Бу мактабнинг асосчиси эса Шерназар



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Бердиназар ўғлидир. Чори бахшининг отаси Умир шоир Сафаров ўз вақтида Шерназар Бердиназар ўғлининг шогирди бўлган. Чори бахши ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган улўғ алломалар, тарихий шахслар ҳақида ривояту афсоналар, хусусан, “Амир Темурнинг туғилиши ва ёшлиғи”, “Улўғ Сохибқирон” дostonларини яратди.

Етти аждоди бахши ўтган, невар, чевараларига дostonчилик сирларини ўргатиб келаятган Чори бахши Умиров 1938 йил 28 февраль куни

“Ғойибнома ёки Ғўрўғлининг туғилиши” дostonлари, айниқса, машҳур. Бахшининг “Шерали” дostonи 2019 йили Термизнинг “Сурхон-нашр” нашриётида чоп этилди.

Чори бахшининг термалари баъзан ҳазил, баъзан аламли, баъзан ҳаётнинг ўткинчилигини ифодалайди. “Ўти-да”, “Зўр бахшилар қас”, “Менинг вафот этган куним” каби термаларни айтиш учун бахшида катта куч, тоғдек бардош бўлиши зарур.

Бахшилар ҳақида гап кетганда, “Қуйма қулоқ” деган сўз ишлатилади. Бу бир эшитганимни ёлда сақлаб қолиш қобилиятини аниқлади. Чори Умиров ҳам “Қуйма қулоқ” бахшилардан бири.

Айни пайтда Сурхондарё вилоятининг Музработ туманидаги Меҳриғиёх маҳалласида истикомат қилаётган Чори бахши ёшлиғиданок отасига эргашиб, болалигидан дўмбира чертиб, термалар куйлай бошлаган. 15-16 ёшларида терма ва дostonларни мустақил айта олган. Айни пайтда репертуарида 30 дан ортқ дoston ва 100 дан ортқ терма бўлиб, уларнинг асарияти “Устоз бахшининг дуоси” номли тўпламда нашр этилган. “Дўмбиррам”, “Қолар”, “Келтирар”, “Булар”, “Не билсин”, “Сулўв кўрсатар”, “Сурхондарё” каби термалар ва биз юқорида санаб ўтган қатор дostonлар Чори бахши репертуарини беъзаб келаяпти.

Бахши, шунингдек, ўз устиди ишлайдиган, бахшичилик санъатини эъзозлайдиган, унинг давомчилигини таъминлаш иштиёқида тинимсиз меҳнат қиладиган ижодкор, шоир ҳамдир. У асрлар оша давом этиб келаятган бу санъатни келажак авлодларга ҳам етказишни мақсад қилган. Унинг 1978 йилда республика радиосида бахшилар ҳақидаги эшиттиришлар, 1979 йилда республика телевидениесида бахшиларнинг илк чиқишларини ташкиллаштиришда ташаббускор бўлгани ҳам мақсади хайрли эканидан далолатдир.

Умировлар бахшичилик сулоласини давом эттириб келаятган Чори бахши кўлаб шогирдлар етиштириб, уларни ҳам бахшичилик санъатига олиб кирди. Шогирдлари Абдимурод бахши Раҳимов, Расул бахши Умиров, Шодмон бахши Ҳўжамбердиев Ўзбекистон халқ бахшиси фахрий унвонини олган.

Халқимизнинг аънавий бахшичилик санъатини қайта тиклаш ва кенг тарғиб этиш, ўсиб келаятган ёш авлодга ушбу ноб санъат сирларини ўргатишда, келажак авлодларга ўзи яратган дostonларни мерос қолдириш йўлида қилган хизматлари учун 2017 йилда давлатимиз томонидан Чори бахши Умировга Ўзбекистон халқ бахшиси унвони берилди. Бугун 55 йилдан буюн эзининг сеҳрли овози ва сози билан эл олқишига сазовор бўлган бахши сифатида Шеробод дostonчилик мактабига мансуб ёш бахшиларга устозлик қилиб келмоқда.

Бахтиёр АҲМЕДОВ



ХУНАРДАН РИЗКИНГ УНАР

Айра тутган аёл

Ёғоч ўймакорлиги хотин-қизлар орасида ҳам оммалашмоқда

Ўтган йили кулол аёллар ҳақида ёзган мақоламизда улар республика бўйича бармоқ билан санарли экани, шундай бўлиши табиийлигини мулоҳаза қилгандик. Аслида, бу — аёллар кириб бормаган соҳа йўқлигининг амалдаги исботи.

Яқин йилларгача ўймакорлар авлодидан аёл уста чиқмаган. Аммо тошкентлик Мухаррам Иброҳимова шу хунар ортдан “Шухрат” медали ва Ўзбекистон халқ устаси унвонини олганини кимдир билади, кимдир билмайди. Демак, ўзбек аёлларидан ёғочни ҳам тилга кирита оладиган истеъдодларни топиш мумкин.

— Менимча, ўз касбини севган инсон аёлми, эркакми, ҳеч қачон қийналмайди. Мен ёғоч билан ишлашга болалиқдан қизиққанман, ўймакорлик ота мерос касб, — дейди сирдарёлик Моҳидил Раҳимова. — Отам меҳнат ўқитувчиси бўлгани учун ёғочдан жуда чиройли ўй буюмлари ясар, стол-стул, хонтахталарга оёқ, кетмон, болгаларга соп таёёрлаётган пайти мен ясалган буюмларга нақш чизардим. Отам улгурмай қолган кезлари ёғочга ишлов бериш, рандалашга ҳам қўмақлашардим. Силлиқланган тайёр ёғочларни бир-бирига елиглаб, улашга қарашиб юбориш менга заъқ берарди. Бир томондан эса отамга ёрдамчи тегаётгани, қолаверса, хунар ўрганаётганимдан секин-секин. Мактабни аъло баҳога битириб, Самарқанд давлат университетининг касбий таълим факультетига ўқишга кирдим. Олийғоҳда отамдан олган билимларимни янада ривожлантирдим.

Ҳакамларни шубҳалантирган намуналар

Ўтган йил 16 ноябрь куни Гулистон шаҳридаги виллоят мусиқали драма театрида “Йил аёли” ва “Тендер тенглик фаоли” миллий танловларининг Сирдарё виллоят босқичи бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келаятган, юксак маънавиятли, оилада ва фарзанд тарбиясида ибрат бўлиш билан бирга, ўзи ишлаётган ташкилот нуфузини оширишда фаол иштирок этаётган турли соҳа эгалари бўлган аёлларни кўлаб-қувватлаш, рағбатлантириш ҳамда бу борадаги илгор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ташкил этилган танловда Моҳидил Раҳимова “Ўз касбининг устаси бўлган йил аёли” номинацияси ғолиби бўлди.

— Бундан икки йил аввал ҳам бир катта танловда қатнашганман. Бирок унда ижодий ишларим баҳоланмади. “Нега баҳоланмади”, деб сўраганимда, масъуллар “бу ишлар аёл кишининг кўлидан келмайди, бизни алдаган”, деб сизнинг ижодий ишларингизга шубҳа қилинди”, деган жавобни айтди. Ўшанда танловга олиб келинган буюмларни бир ўзим бемалол ясай олишимни исботлашим қийин бўлган. Шундай бўлса-да, ҳакамларни шубҳалантирган хунаримдан ҳеч ҳам афсусланмаганман. Аксинча, касбимга иштиёқим янада кучайган.

Насиб қилса, нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёга миллий ёғоч ўймакорлиги асарларимизни танитаман, янада бойиатаман, деб аҳд қилган Моҳидил опа 2014 йилдан буюн Сирдарё иختисослаштирилган санъат мактаб-интернати ёғоч ўймакорлиги фани устоз-мурабийси сифатида ишлаб келмоқда.

Олий тоифали ўқитувчи, Ўзбекистон “Хунараманд” уюшмаси аъзоси бўлган устознинг бугун кўлаб шогирдлари бор. Уларнинг асарияти олийғоҳларда ўқияпти.

— Халқ амалий санъати ўқувчиларни ғоявий-бадий, ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда муҳим ўрин тутайди. Шу маънода, санъатнинг бу турини ривожлантиришга ҳисса қўшаётганимдан хурсандман, — дейди уста. — Ўқувчиларда хунарга муҳаббат уйғотиш,

касбга йўналтириш, ижтимоий фойдали меҳнатга ўргатиш асосий мақсадим. Келажакда моҳир усталар етиштиришни ният қилганман. Турмуш ўртоғим ҳам хунаримни ҳурмат қилади. Касбим юзасидан бирор муаммо бўлса, биргаликда ечим топамиз. Энг муҳими, фарзандларимиз ҳам хунаримга жуда қизиқади.

“Ўймакорлик ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганман”

Моҳидил опа-кў болалиқдан ёғоч ўймакорлигига меҳр қўйган, шу хунар билан улғайган, халқ тили билан айтганда, ўймакорликда “суяги қотган, қўзи пишган” экан. Наманганлик Соҳиба Қаймова эса турмушга чиққунча бу хунардан бутунлай йироқ бўлган. Бугунги кунда Наманганнинг машҳур Чорсу бозоридида опа ясаган эшик ромлар-у рўзгорга керакли 70 дан зиёд турдаги ёғоч буюмларнинг бозори қақсон. Ёғочни тахта бозорига тушиб ўзи харид қилади.

Соҳиба опанинг она томондан боболари элнинг олди тadbirkори бўлган.

— Шу боис, биз ҳам ип йигириш, тикиш-бичиш каби хунардан хабардор эдик, — дейди опа.

Келин бўлиб тушганида турмуш ўртоғи устачилик қилар, эшик-ром ясарди. Уста-



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

хона ихчамгина ҳовлида бўлгани учун уйланган, шогирдларини мустақил ишлашга йўлайди. Ёлғиз ўғил. Ота-она ҳам барвақт ўтиб кетган, бувисининг қўлида тарбия топан дурадгор йигитга рафиқаси тоғдайн таянч бўлди. Суҳбатимиз баҳона Соҳиба опа ўша кўнларни ҳам ёдга олди.

“Қичкинагина ҳовлида ўй юмушлари кам бўлгани боис, келинчақлигимдаёқ турмуш ўртоғимнинг ёнига кириб, эшик-ромларни у ёқ-бу ёққа олишга ёрдам бериб юрдим. Ортқ қолган ёғочлардан тахтакач, ўриндик, умуман, рўзгорга керакли буюм ясашни секин-секин ўрганиб олдим. Турмуш ўртоғим кечаси билан ишларди. У пайтларда бир ҳафтада бир мартагина бозор бўларди. Буюмларини сота олмаганлар кейинги ҳафтада сотарди. Бозорга олиб чиқишга улгуриш учун қаттиқ ишлашимизга тўғри келарди. Минг шўқри, буюмларимиз ҳамма тез сотилиб кетар, кейинги ҳафтага қолмасди”.

Шу тариха дурустгина дурадгорга айланиб қолган Соҳиба опа мижозлар талаби билан эшикларга гул ишлашни ҳам ўзлаштириб олди. Нақшларни ўзи чизиб, ғоят эҳтиёкорлик билан ўйиб чиқишининг устаси бўлиб кетди. Турмуш ўртоғи одамларга ўй қуриб, дуосини олади, ўша уйга керакли эшик-ромларни аёлига буюртма қилади.

Одий қопқондан нақшиндор сўригача

Айни пайтда уч фарзанднинг онаси, 7 набиранинг бувиси бўлган қаҳрамонимиз маҳалладаги кам таъминланган аёлларни иш билан банд қилган, унга яқин шогирди бор. Кенжа ўғли аёллардан-да моҳир тикувчи сифатида костюм-шимлар тикади.

2011 йилда “Хунараманд” уюшмасига аъзо бўлган Соҳиба опанинг 2007 йилда “Ташаббус” кўрик-танловида қатнашиши жуда қизиқ бўлган.

— Телевизорда “Ташаббус” кўрик-танлови бўлиши ҳақида реклама берилгани сари негадир шу танловда қатнашим келаверди, — дейди опа ўша дамларни эслаб. — Эримга ҳазиллашиб, Ҳусан Шарипов “Сўюнчи” фильмида айтганидек, мен ҳам номим чиқмай ўтиб кетавераманми, “Ташаббус”да қатнашаман, деб туриб олганман. У киши қўлимдан анча-мунча иш келиб қолганини кўргач, “майли, қатнаш”, деган. Ташкилотчилардан йўл-йўриқ олиб, орзумга етдим — мен ҳам иштирокчига айландим.

Ўрин ололмадим, лекин жуда чиройли, муносиб тақдирлашган. Ахир 70 хил ёғоч буюмларим билан иштирок этганман. Ўзингиз ўйланг, сичқон тутадиган қопқондан тортиб энг зарур ўй буюмларига бор эди. Шундан сўнг танловларда қатнашиб юрдим. 2010 йилда республикада “Йил аёли” танлови ғолиби бўлдим.

Хунарининг ортдан фаровон яшаётган қаҳрамонимиз ясаган қўл меҳнати намуналари, айниқса, сўрилар қўшни виллоятлардан лекшари Қирғизистон ва Тожикистонга ҳам сотилапти. Опа хунарамандлар учун кейинги йилларда яратилаётган қатор имтиёزلардан миннатдор. Яқка тартибдаги аёл тadbirkорлар соҳибадан овоз этилганини имтиёزلарнинг энг манфаатлиси санайди.

— Давлатимиз раҳбарининг ўзи тadbirkор ишчи ўрин яратса, бошимга кўтараман, деб турган бир пайтда мен нега бор имкониятлардан фойдаланмай, — дея орақдан гапирди бу аёл.

Ҳа, бугун имкониятлардан фойдаланиб яшаган инсон асло кам бўлмапти. Кўполроқ бўлса-да, аёллик вазифасини-да тўлиқ уддалай олмай, аксинча, бекорчиликдан ўтганининг ўроғи, кетганининг кетмонини оладиган, ҳаммаши етишмовчиликдан нолийдиган баъзи аёллар Моҳидил Раҳимова, Соҳиба Қаймовадан ибрат олса не ажаб? Зеро, улар том маънода бугуннинг қаҳрамон аёллари образини яратаятган садақатли ёр меҳрибон она, опа ёки сингиллардир.

Муножат МҲМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746.

43927 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Улўғбек Асроров
Мусаҳҳих: Шероз Махмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Якуни — 22:18 Тошхирлиди — 23:55